

## А Ж Р И М

(ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ва қидирув эълон қилиш ҳақида)

2026 йил февраль ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, Тошлоқ тумани мусиқа ва санъат мактаби биносига, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Н.Абдуназаров, судья ёрдамчиси А.Раҳмановнинг котиблигида, Тошлоқ тумани прокурори ёрдамчиси Қ.Темиров, Тошлоқ тумани ИИБ пробацая гуруҳи инспектори Ҳ.Ботиров, адвокат Ғ.Мухаммадиевнинг иштирокида, Тошлоқ тумани ИИБ бошлиғининг маҳкум Комилов Қахрамонжон Исмойиловичга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, қидирув эълон қилиш ҳақидаги тақдимномаси ва унга илова қилинган йиғма жилдни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2023 йил 13 сентябрдаги ҳукмига кўра,

Комилов Қахрамонжон Исмойилович, 1975 йил 9 май куни Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласи билан ажрашган, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 19.11.2001 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисми билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 17.02.2005 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан ЖК 45-моддаси қўлланиб 2 йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 28.12.2005 йилда 02.12.2005 йилдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

3) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 25.12.2009 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган, Тошлоқ тумани, Варзак МФЙ, Мемор кўчаси, 66-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 1-қисми билан ЖК 62-моддаси тартибида 1 йил 7 ой 15 кун муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган,



жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 5 июндаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 7 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2024 йил 4 декабрдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддаси қўлланиб, ўталмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг ўн беш фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 2 ой 19 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2025 йил 11 февралдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 2 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2025 йил 4 июлдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддаси қўлланиб, ўталмай қолган 9 ой 25 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг йигирма фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2025 йил 26 августдаги ажримига кўра, ўталмаган 9 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2025 йил 17 декабрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддаси қўлланиб ўталмай қолган 6 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг йигирма фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Тошлоқ тумани ИИБнинг тақдимномасида, маҳкум Қ.Комилов 2026 йил 5 январь куни Тошлоқ тумани ИИБ пробацция гуруҳи томонидан рўйхатга олинган, аммо у жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб юрганлиги сабабли 2026 йил 8, 21, 26, 30 январь, 2, 6, 9 февраль кунлари уни яшаш хонадони холислар иштирокида текширилганида, Қ.Комилов яшаш хонадониди йўқлиги, отаси эса ўғлини қаерда эканлигини билмаслигини билдиргани, ушбу ҳолат юзасидан холислар иштирокида далолатнома расмийлаштирилгани, бундан ташқари, Қ.Комилов суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини умуман ўтамай, ўташдан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли ўталмаган 6 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 46-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, қидирув эълон қилиш сўралган.

Тошлоқ тумани ИИБ Пробацция гуруҳи инспектори Ҳ.Ботиров судда, тақдимномада кўрсатилган ҳолатлар тўғрилигини билдириб, тайинланган жазони ЖКнинг 46-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, қидирув эълон қилишни сўради.

Қ.Комиловга 2026 йил 12 февраль куни соат 14-<sup>40</sup>да суд мажлиси бўлиши ҳақида чақирув қоғози берилган бўлсада, ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган. Шу сабабли, суд, ишни уни иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг эски таҳрирдаги 46-моддаси 4-қисмида, агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз



бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши белгиланган.

ЖПКнинг 532-моддасида, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жазони бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши учун судга узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқиши, ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши кераклиги;

ЖИКнинг 29-моддасида, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, яшаш жойидаги ўзгаришлар ҳақида инспекцияни хабардор қилишга мажбурлиги кўрсатилган.

Иш материалларига кўра, маҳкум Қ.Комилов 2026 йил 5 январда Тошлоқ тумани ИИБ Пробация гуруҳи томонидан рўйхатга олинган, рўйхатга олингандан сўнг пробация гуруҳи ходимлари маҳкум Қ.Комиловни топа олмаган, маҳкум суд томонидан тайинланган жазони ўндан бир қисмини ўтамасдан, жазони ўташдан бўйин товлаб, яшириниб келган.

Бундан ташқари, маҳкум Қ.Комиловнинг яшаш жойи текширилганда, унинг ҳозирда яшаш манзилида яшамаётганлиги аниқланган.

Шу билан бирга, жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирлар ўтказилиб, тегишли хизматларга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 542-моддаси 3-қисмида "жарима жазосига, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жарима жазосини, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши учун судга узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқиши мумкин. Жарима, мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан, шунингдек озодликни чеклаш озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда суд маҳкумга нисбатдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак" деб кўрсатилган.

Суд, прокурорнинг тақдимномани қаноатлантириш ва Қ.Комиловга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига ўзгартириш ҳақидаги фикрини, адвокат илтимосини иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, маҳкум Қ.Комилов судга узрли сабабларсиз келмаганлиги учун ишни унинг иштирокисиз кўриб мазмунан ҳал қилишни, қайд қилинган ҳолатларни уни тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаш дея баҳолаб, жазони умуман ўтамаганлигини, у томонидан бошқа жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва суд ҳукми билан тайинланган жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, унга нисбатан тайинланиб, ўталмаган



9 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиришни;

- Қ.Комиловга қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўллашни ва қидирув эълон қилишни, у ушланган жойдан Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 2-МХ 10-сон тергов ҳибсхонасига этап қилишни;

- жазо муддатини у ушланган кунидан ҳисоблаб, Жиноят-Ижроия кодекснинг 113-моддаси 1-қисмига асосан манзил-колонияларда ўтатиришни;

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси ва ЖПКнинг 539, 542-моддаларига асосланиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Тошлоқ тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Комилов Қахрамонжон Исмойловичга жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2025 йил 17 декабрдаги ажримига кўра тайинланган иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 6 (олти) ой 16 (ўн олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Қ.Комиловга нисбатан қидирув эълон қилинсин.

Жазо ўташ муддати Қ.Комилов ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Комилов Қахрамонжон Исмойловичга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидириб топилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 2-МХ 10-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Фарғона вилоят судига кассация тартибида хусусий шикоят (хусусий протест) беришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Н.Абдуназаров

Нусхаси аслига тўғри

Б.Н.Абдуназаров

